

Масжидда ифторлик қилса бўладими?



12:00 / 12.05.2019 3406

Савол: Ифторликнинг суннат бўлган дуолари қайси?

Жавоб:

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ифторлик қилиш вақтида **«Аллоҳумма, лака сумнаа ва ғалаа ризқика афторнаа, фатақоббал миннаа, иннака антас Самийъул-Алийм»** (Аллоҳим, Сен учун рўза тутдик, берган ризқингдан ифторлик қилдик, бизлардан қабул айла. Албатта, Сен Эшитувчи ва Билувчи Зотсан), дер эдилар».

Дорақутний ривоят қилган.

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ифторлик вақтида **«Заҳабаз-зомау, вабталлатил урууқу ва сабатал ажру, иншааллоҳ»** (Чанқоқ кетди, томирлар намланди, иншааллоҳ, савоб ҳосил бўлди), дер эдилар.

Байҳақий ривоят қилган.

Савол: Нималар билан ифторлик қилиш суннат?

Жавоб: Пишган хурмо, хурмонинг қоқиси ёки ҳеч бўлмаса од-дий сув билан ифторлик қилиш суннатдир. Хурмо бўлатуриб бошқа нарсалар билан оғиз очиш суннатга хилофдир.

Салмон ибн Омир розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Бирортангиз оғиз очса, хурмо билан очсин. Агар топа олмаса, сув билан, чунки у покловчидир», дедилар.

Табароний ривоят қилган.

Савол: Масжидда ифторлик қилса бўладими?

Жавоб: Масжид ибодат ва зикр қилинадиган жойдир. Умумий ҳолатда масжидда еб-ичиш, ухлаш макруҳдир. Рамазон ойларида шом намозини масжидда жамоат билан ўқийман, деб келганлар масжид ичида ифторликни қилишса бўлади. Лекин икки нарсанинг риояси қилинса, яхши бўлади:

а) киришдан аввал имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳнинг «Масжидга бир оз муддат эътикоф ниятида кириш ҳам эътикоф ўрнига ўтади», деган сўзларига биноан «Масжиддан чиққунимча нафл эътикофни ният қилдим», деб ният қилиши, зеро эътикофдаги киши учун масжидда еб-ичишга барча уламолар ижозат беришган (Масжид ичида еб-ичмоқчи бўлганлар аввал нафл эътикофни ният қилсалар, ибодат жойида макруҳ иш қилишдан сақланган бўладилар. Қолаверса, нафл эътикофнинг савобига эга бўладилар);

б) масжидни покиза сақлаш.

Шунингдек, аллома Зафар Аҳмад Усманий раҳматуллоҳи алайҳ Мулла Алиюл Қорийнинг «Мирқотул мафотих» китобидаги «Масжидда еб-ичиш макруҳ, лекин ифторлик бундан мустаснодир», деган сўзларини масжидда ифторлик қилиш мумкинлигига далил қилиб келтирган.

«Мўминнинг қалқони» китобидан